

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2018 йил декабрь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб, раислик қилувчи судья С.Болтаев, Б.Матагановнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ф.Турсунов, жамоат ҳимоячиси [REDACTED], адвокатлар [REDACTED], судланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид 1-2101-1802/297-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] йилда Навоий шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, “ [REDACTED] ” МЧЖда ҳайдовчи, муқаддам: 1. 28.05.2012 йилда жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган; 2. 21.01.2015 йилда жиноят ишлари бўйича Конимех туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айблаб чиқарилган жиноят иши 14.11.2014 йилда эълон қилинган амнистия актига асосан ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан жиноят иши тугатилган, [REDACTED] [REDACTED] мазкур жиноят иши бўйича 25.08.2018 йилда ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 27.08.2018 йилда “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2018 йил 18 август куни Навоий вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида гиёҳвандлик воситалари билан муомала қилиш ва ўтказиш қонунга хилоф эканлигини била туриб, 1 дона гугурт қутисига солиб қадоқланган, куруқ ҳолдаги Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 18.08.2018 йилдаги 126-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра

таркибида тетрогедроканнабинол гиёҳвандлик воситаси бўлган соф вазни 1,91 грамм, “озгинадан кўпроқ” миқдордаги гиёҳвандлик воситасини 150.000 сўм миқдордаги пулга “Х” исмли шартли харидорга сотганлиги аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашё тариқасида гиёҳвандлик моддаси расмийлаштириб олинган.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 22.03.2016 йилдаги 12-16-сонли қарорига кўра, “марихуана” гиёҳвандлик воситалари туркумига кириб, у фуқаролар томонидан истеъмол қилиниши ва муомалада бўлиши тақиқланган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED], айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, 2018 йил 15 август куни Зарафшон дарёсининг Кармана туман ҳудудида жойлашган қисмига яъни Навбахор туманига борувчи йўловчилар турадиган автобекатдан ўтиб ўнг томонга қайрилиб кетадиган йўлдан кириб борувчи қисмига чўмилиш мақсадида борганини, у чўмилиб бўлганидан кейин орқасига қайтиш учун кетаётган вақтида шу ерда жойлашган дала ҳовлиларга яқинлашган вақтида ўтлар орасида бир туп наша ўсимлигини ярими қуриган ҳолатда кўриб қолганини, у наша ўсимлигини кўрганидан кейин барглари юлиб олиб, чўнтагига солганини, у наша ўсимлиги 15-20 дона барглари бўлганини, у наша ўсимлигини барглари уйига олиб келганидан сўнг ўзи яшайдиган уйининг орқа томонида жойлашган тошнинг тагига тиқиб қўйганини, шундан сўнг у ўзининг ишлари билан шуғулланиб юрганини, у 2018 йил 18 август куни Хуршид исмли таниши унга кўнғироқ қилиб, Навоий шаҳрида жойлашган 2-сонли оилавий поликлиникаси ёнига боришни сўраганини, у поликлиникани олдига боргач Хуршид билан учрашганини, шу вақт Хуршид унга наша топиб беришни илтимос қилганини, у [REDACTED] анчадан бери танишини, у билан Хуршид ўртасида олди-бердиси борлигини, у [REDACTED] пилесос сотиб олганини, лекин пилесос яхши ишламаганлиги сабабли [REDACTED] қайтариб берганини, шунда [REDACTED] ундан 200.000 сўм қарз бўлиб қолганини, у [REDACTED] 1 кути нашани 150.000 сўмга ҳисоблаб олганини, у айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, тўрт нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлиги инobatга олиб суддан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг айби қўйидаги далиллар билан яъни:

гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам, [REDACTED] турмуш ўртоғи бўлишини, у турмуш ўртоғи таксист бўлиб ишлашини, 2018 йил 18 август куни уйига турмуш ўртоғи, ИИБ ходимлари ва иккита холислар иштирокида келганини, шу вақт турмуш ўртоғидан нима бўлганини сўраганида, гиёҳванд воситаларни сотган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланганини айтганини, у турмуш ўртоғи ИИБ ходимлари ва холислар иштирокида уйнинг кириш жойидаги омборхонага кириб, эски оёқ кийимнинг ичидан 350.000 сўм пулларни олиб чиққанлигини, у ушбу пулларни холислар иштирокида санаб баённома расмийлаштирилганини, у

турмуш ўртоғини наша ўсимлигини қаердан олганини билмаслигини, у уйига нотаниш одамлар келмаганини, у турмуш ўртоғи [REDACTED] исмли танишидан пилесос тотиб олганини, лекин олган пилесоси яхши ишламаганлиги сабабли пилесосни [REDACTED] қайтариб берганини, шунда [REDACTED] турмуш ўртоғидан 200.000 сўм қарз бўлиб қолганини, у маҳаллада оиласи кам таъминланган ижтимоий муҳофазага муҳтож оила сифатида рўйхатда туришини, турмуш ўртоғи оилада ягона боқувчи эканлигини, суддан турмуш ўртоғига қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатмаси;

гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам, ИИБ ЖҚБда тезкор вакил бўлиб ишлашини, 2018 йил 18 август куни Навоий вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир ўтказилганлигини, тадбир давомида фуқаро [REDACTED] “Х” исмли шахсдан 1 дона гугурт қутисига солиб қадоқланган, қуруқ ҳолдаги соф вазни 1,91 грамм, гиёҳвандлик воситасини 150.000 сўмга сотиб олганлигини, у тезкор тадбирни давом эттириб, [REDACTED] уйига холислар иштирокида борганида, [REDACTED] ҳақиқатдан ҳам гиёҳвандлик воситасини сотганлигини тан олиб, ашъвий далил сифатида ишлатилган 350.000 сўм пуллари уйнинг омборхонасида сақланаётган эски оёқ кийимининг ичидан олиб берганини, у тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай рухий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмаганлиги ҳақида кўрсатма берди., миқдордаги пулга “Х” исмли шартли харидорга сотганлиги аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашъ тариқасида гиёҳвандлик моддаси расмийлаштириб олинган.

Шунингдек, дастлабки терговда сўралган ва судда ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатуви, жиноят иши материалидаги ариза, ашъвий далил деб топиш тўғрисидаги баённома, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган хужжатлар, экспертиза хулосалари ҳамда бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] содир этган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, шу Пленум қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб қайд этилган.

Шунингдек, Пленум қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси

Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони энгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб белгиланган.

Суд, юқорида кўрсатиб ўтилган Қонун ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судланувчи ██████████ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони энгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, уни ғараз ва бошқача паст ниятларда жиноятни содир қилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг шахсини, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини, ўзи оиласи билан доимий яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижобий тавсифланганлигини ҳамда ушбу маҳалла шахсий кафилликка олганлигини жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, у айбланаётган модда билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, санкциясида назарда тутилмаган бошқа энгилроқ яъни, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДХХ Навоий вилоят бошқармасида сақланаётган жами 1.790 (бир грамм етмиш тўққиз миллиграмм)га тенг тенг марихуана гиёҳвандлик воситаси йўқ қилишни;

тезкор тадбир давомида ишлатилган 350.000 сўм тилхат асосида ██████████ қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

██████████  
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган

жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00гача яшаш жойини тарк этмасин.

Шунингдек, устидан назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик билан боғлиқ қўшимча чеклов юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2018 йил 25 август кундан 2018 йил 10 декабрь кунига қадар қамокда ўтирган 3 ой 15 куни чегирилиб, ўташлик учун 4 (тўрт) йил 8 (саккиз) ой 15 (ўн беш) кун қолдирилсин.

нисбатан қўлланилган “Қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Навоий шаҳар ИИО ФМБга юклатилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДХХ Навоий вилоят бошқармасида сақланаётган жами 1.790 (бир грамм етмиш тўққиз миллиграм)га тенг марихуана гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган 350.000 сўм тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки истақлари бўйича ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

С.Болтаев

*Аслига тўғри:*